



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH VA IQLIM O'ZGARISHI VAZIRLIGI
DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI MARKAZI
TOSHKENT SHAHAR FILIALI**

Manzil: 100170 Toshkent shahar, Mirzo-Ulug'bek tumani, Sayram 5-tor ko'chasi
15-uy, Tel: 71-203-01-03

**DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI
XULOSASI**

TARTIB RAQAM 01-02/14-1734

HUJJAT TURI Atrof-muhitga ta'sir to'g'risidagi ariza loyihasi

Davlat ekologik ekspertizasi buyurtmachisi: BAGUS STEEL MCHJga berildi.

STIR: 309065514

Obyekt nomi: Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani "BAGUS STEEL" MCHJ tomonidan savdo va maishiy xizmat ko'rsatish binosi va yorta qavatli turar joy majmuasi qurilishini tashkil qilishning atrof-muhitga ta'siri to'g'risidagi ba'noti (AMTTB) loyihasi

Loyihalarini ishlab chiquvchi nomi: "ECO-GEO PROEKT" MAS'ULIYATI

CHEKLANGAN JAMIYAT

STIR: 306937008

Davlat ekologik ekspertizasi mas'ul eksperti: RAXMATULLAYEV NIZOM
NE'MATOVICH

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 7-sentabrdagi 541-son qarori bilan tasdiqlangan 1-ilovaga muvofiq, ushbu davlat ekologik ekspertizasi obyekti **atrof-muhitga ta'sir ko'rsatishning III toifa toifasining 52-bandiga mansub.**

O'tkazilgan davlat ekologik ekspertizasi natijasi: **Ijobiy xulosa**

Davlat ekologik ekspertizasi xulosasi: **Ilovasiz huquqiy hujjat hisoblanmaydi**

Berilgan sana: 28.08.2024

Amal qilish muddati: 28.08.2027

Ekologik ekspertiza obyektining ekologik talablarga muvofiqligi, joylashuv nuqtalari koordinatalari, atrof-muhitni muhofaza qilish chora-tadbirlari, bajarilishi shart bo'lgan talablar va boshqalar to'g'risida ilovada keltirilgan O'zbekiston Respublikasi ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o'zgarishi vazirligining Davlat ekologik ekspertiza markazi va filiallarining ekspert xulosasi ushbu davlat ekologik ekspertizasi xulosasining ajralmas qismi hamda unda belgilangan talablar bajarilishi shart hisoblanadi.

Izoh: Buyurtmachi tomonidan davlat ekologik ekspertizasi xulosasida nazarda tutilgan ekologik talablarga rioya etilmaganda, davlat ekologik ekspertizasi xulosasi qonunchilikda belgilangan tartibda bekor qilinadi.

Direktor



Sh.Muminov

Davlat ekologik ekspertizasi natijalari bo'yicha Ekspert xulosasi talablari

Буюртмачига қурилиш ишларини амалга ошириш даврида ҳудуднинг кириш ва чиқиш йўлакларига махсус юк ташувчи машиналар баллонларини ювиш ва чанг кўтарилишини олдини олиш мақсадида махсус блок постлар ўрнатилиши, шовқинларни олдини олиш мақсадида юқори қаватлардаги қурилиш ва таъмирлаш чиқиндиларини хавфсиз ва тез пастга тушириш учун махсус қурилиш шланглари ва бардошли ахлат қутиларини ўрнатиш талаб этилади.

Маиший оқава сувларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш ва оқава сувларни тозалаш иншоотларига ўз вақтида олиб кетилишини таъминлаш мақсадида буюртмачи томонидан тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузилиши лозим бўлади.

Қурилиш чиқиндиларини тўплаш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва жойлаштириш, қурилиш полигонларига жойлаштириш учун топшириш ва қабул қилиш, такроран фойдаланиш, уларни утилизация қилиш ёки қайта ишлашга йўналтириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 январдаги №40-сон Низомига асосан ташкил қилиниши лозим бўлади.

Шу билан бирга, “BAGUS STEEL” МЧЖ қуйидагиларга ўз вақтида амал қилиши лозим бўлади:

-қурилиш ости ер майдонини ёнилғи-мой материаллари билан ифлосланишини олдини олиш учун қурилиш ишларида фойдаланиладиган қурилиш техникаси ва транспорт воситаларини доим соз ҳолда сақлаш;

-қурилиш чиқиндиларини ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини таъминлаш мақсадида чиқинди олиб чиқиб кетиш корхоналари билан шартномалар тузиш ва Тошкент шаҳар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасига тақдим этиш;

-қурилиш чиқиндиларини тўплаш, жойлаштириш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қурилиш полигонларига олиб чиқиш ёки қайта ишлашга йўналтириш ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-

4845-сон Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 январдаги №40-сон Низомига асосан ташкил қилиш;

-чиқиндилар ва маиший оқава сувларни тозалаш иншоотларига ўз вақтида олиб кетилишини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузиш ва тақдим этиш;

-худуднинг кириш ва чиқиш йўлакларида махсус юк ташувчи машиналар баллонларини ювиш ва чанг кўтарилишини олдини олиш мақсадида махсус блок постлар ўрнатиш, шовқинларни олдини олиш мақсадида юқори қаватлардаги қурилиш ва таъмирлаш чиқиндиларини хавфсиз ва тез пастга тушириш учун махсус қурилиш шланглари ва бардошли ахлат қутиларини ўрнатиш;

-қурилиш ишларини ташкил этишда ер ости сувлари, унумдор ер қатлами ва тупроқ омилларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, бино атрофида мавжуд дарахт ва бўталарга шикаст етказмаслик ва кесмаслик;

-чиқиндилар билан ишлаш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.10.2018 йилдаги 787-сонли “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Санитария жихатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари”га амал қилган ҳолда ташкиллаштириш;

-чиқиндилар миқдорини камайитиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш;

-бинолардан фойдаланиш даврида ёнғинлар ва авариялар содир бўлиши эҳтимолини истисно этадиган шароитларни таъминлаш, яшовчиларнинг ёнғин ва техника хавфсизлигига ўз вақтида риоя этилишига доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

-қайта тикладиган қувват манбаларини ва ресурсларни тежайдиган технологиялар ҳамда экологик хавфсиз ускуналардан фойдаланиш;

-бинолар ҳудудида ҳосил бўладиган барча чиқиндилар тўпланиши, олиб чиқиб кетилиши, қайта ишланиши ва зарарсизлантирилишини таъминлаш (2023 йил 31 майдаги ПФ-81);

-"Яшил макон" ва "Яшил белбоғ" умуммиллий дастурига мувофиқ коттежлар ҳудудида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва шу ҳудуд иқлимига мослашган дарахт ва бўталарни бинолар майдонининг 25 фоиздан кам бўлмаган қисмида экиш (2023 йил 23 ноябрдаги ПФ-199);

-қурилиш ишлари ва мажмуадан фойдаланиш давомида ҳосил бўлиши мумкин бўлган иссиқхона газлари таркибига кирувчи углерод диоксиди ва метан газларининг углерод нейтраллигини таъминлаш мақсадида, чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши лозим (2023 йил 31 майдаги ПФ-81);

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича кўзда тутилган зарур чора-тадбирлар ва талабларни амалга оширилишини назорати бўйича ҳудудий экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан тасдиқланган далолатномани тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги ПФ-46-сонли Фармонида биноан Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий муддатсиз даврга узайтирилганлиги сабабли, мавжуд дарахт ва бўталарга **шикаст етказиш, уни кесиш қатъиян ман этилади ва қонунчиликда кўрсатилган моддалар билан жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.**

“BAGUS STEEL” МЧЖ томонидан қурилиш ишлари тугатилиб, мажмуа фойдаланишга топширилишидан олдин, белгиланган тартибда “Экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот” (ЭОТБ) экологик меъёрий лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда фойдаланиш жараёнида ташаламалар ва истеъмол чиқиндилари ҳосил бўлиши меъёрларини амалда ишга туширилган ускуналар ҳисобидан амалга ошириб, қонунчиликда белгиланган тартибда **Давлат экологик экспертизасига тақдим этиш сўралади.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида” 07.09.2020 йилдаги 541-сонли Қарори 26-банди 4-хатбошисига биноан экологик экспертиза хулосасини олиш мақсадида тақдим этган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун **буюртмачи жавобгар ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 07.09.2020 йилдаги 541-сон қарорининг 6 ва 7-боблари, 43, 53 ва 57-бандларига мувофиқ, давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиш муддати **уч йил** этиб белгиланган. Шу билан бирга, агар экспертиза объекти давлат экологик экспертизасининг хулосаси берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида реализация қилинмаса, давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси **юридик кучга эга бўлмайди.**

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига биноан, мазкур фаолиятни амалга ошириш мумкинлиги тўғрисидаги давлат экологик экспертизасининг хулосаси **рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ҳисобланмайди.**

Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси режалаштирилаётган фаолиятнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирларини экологик жиҳатдан баҳолашдан иборат ва **ушбу фаолиятнинг қонунчиликда белгиланган бошқа рухсат этувчи ҳужжатларини олиш ёки олмаслик заруриятидан озод этмайди.**

Тошкент шаҳри экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси туман инспекциясидан;

-Мирзо Улуғбек туманида “BAGUS STEEL” МЧЖ томонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси ва ўрта қаватли турар жой мажмуаси қурилишини ташкил қилишнинг атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёноти

лойихасида келтириб ўтилган экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид чора-тадбирларни ўз вақтида бажарилишини,

-қурилиш ишларини ташкил этишда ер ости сувлари, унумдор ер қатлами ва тупроқ омилларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, мавжуд дарахт ва бўталарга шикаст етказмаслик ва сақлашни,

-мазкур мажмуа ҳудудида давлат экологик экспертизаси хулосаси талабларини бажарилиши бўйича ўрганиш ишларини олиб бориш ва далолатнома тузишни,

-белгиланган тартибда экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот (ЭОТБ) лойихасига Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини олмасдан туриб кўп қаватли турар жой мажмуасидан фойдаланишга йўл қўйилмаслигини назоратга олиш талаб этилади.



Ma'sul ekspert: RAXMATULLAYEV NIZOM NE'MATOVICH

Obyekt haqida qisqacha ma'lumot

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги “Давлат экологик экспертизаси маркази” Давлат муассасаси Тошкент шаҳар филиалига Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманида «BAGUS STEEL» МЧЖ томонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси ва ўрта қаватли турар жой мажмуаси қурилишини ташкил қилишнинг атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёноти (АМТТБ) лойиҳаси кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

18.08.2023 йилдаги YU002-970736-сонли электрон-онлайн аукцион натижалари баённомаси, Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани филиалининг 19.03.2024 йилдаги P-MZUT09855289-сонли кадастр паспортига асосан қурилиш ишлари режалаштирилган «BAGUS STEEL» МЧЖга тегишли ер майдони Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, “Алишеробод” МФЙ, “Жасорат” кўчаси 125-уй манзилида жойлашган. Ер майдонининг умумий ҳажми – 6400,0 м², шундан қурилиш ости майдони – 2700,0 м², қаттиқ қопламали майдон – 1500,0 м² ва яшил қопламали майдон – 2200,0 м²ни ташкил этади.

Объектнинг географик жойлашуви координаталари қуйидагича:

1. 41°19'25.36"ШК 69°24'4.73"ШУ 3. 41°19'22.22"ШК 69°24'2.68"ШУ
2. 41°19'22.78"ШК 69°24'5.61"ШУ 4. 41°19'24.88"ШК 69°24'1.38"ШУ

Объект шимолий томондан ички йўл, сўнг турар жой хонадонлари ҳудуди билан, шарқий ва ғарбий томонлардан бўш ер майдони билан, жанубий томондан бўш ер майдони, сўнг ишалб чиқариш корхонаси ҳудуди билан чегараланган. Энг яқин турар жой биноси объект чегарасидан шимолий томондан 12 метр узоқликда жойлашган.

Лойиҳа ҳужжатларида Мирзо Улуғбек туманидаги “Алишеробод” МФЙда яшовчи фуқаролар билан ушбу ҳудудда “BAGUS STEEL” МЧЖ томонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси ва ўрта қаватли турар жой мажмуаси қурилиш ишларини ташкил этиш тўғрисида маҳалла фуқаролар йиғини умумий мажлиси ўтказилган ва аҳоли розилиги тўғрисида 19.03.2024 йилдаги 4-сонли мажлис баённомаси тақдим этилган.

Объект жойлашган ҳудуд иқлим шароити кескин континентал бўлиб, йиллик энг паст ҳарорат -29,5°С, энг юқори ҳарорат +44,6°С ташкил этади. Объектга яқин масофада катта сув ҳавзалари мавжуд эмас. Лойиҳа маълумотларига кўра, ер ости сувлари ер сатҳидан 5,5-7,5 метр чуқурликда жойлашган. Объект жойлашган ҳудудда атмосфера ҳавосининг ифлосланишига таъсир қиладиган асосий манбаларга ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳаракатланаётган автотранспорт воситалари киради. Лойиҳа маълумотларига кўра, қурилиш ишлари олиб бориладиган ер майдонида кўп йиллик дарахтлар ва бўталар мавжуд эмас.

“BAGUS STEEL” МЧЖ томонидан қурилиш ишларини амалга оширишдан асосий мақсад аҳолини савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари бўлган

замонавий ўрта квартирали турар жой хонадонлари билан таъминлашдан иборатдир. Лойиҳавий ечимга мувофиқ, ажратилган ер майдонида буюртмачи томонидан 3 дона 5-қаватли турар жой бинолари ва 1 дона 4-қаватли савдо-маиший мажмуа қурилиши режалаштирилган. Ҳар бир турар жой биноси 775 м^2 , савдо-маиший мажмуа биноси 376 м^2 ер майдонига эга бўлиб, марказлаштирилган электр қуввати тармоғига, табиий газ, совуқ сув ва канализация тизимларига уланади. Ҳар бир 5 қаватли уйда 2 дона йўлаклар, 100 дона 1, 2, 3-хонали хонадонлар жойлашади. Мажмуадаги хонадонларнинг умумий сони 100 дона бўлади. Савдо-маиший мажмуа биноси пастки қаватларида турли савдо дўконлари, гўзаллик салонлари, дорихона, дам олиш зоналари, тепа қаватларида офис хоналари жойлашади. Турар жой биноларида куз-қиш мавсумида иссиқлик билан ва йил давомида иссиқ сув билан таъминланиши учун жами 100 дона 2 контурли сув иситиш қозонлари ўрнатилади. Ошхоналарда жами 100 дона “ПГ-4” газ плиталари ўрнатилиши режалаштирилган. Ёзда хоналарни салқин сақлаш электр қувватида ишлайдиган “Зима-лето” кондиционерлари ўрнатилади. Савдо-маиший бинода куз-қиш мавсумида иссиқлик билан ва йил давомида иссиқ сув билан таъминланиши учун жами 3 дона 2 контурли сув иситиш қозонлари ўрнатилади. Ёзда хоналарни салқин сақлаш электр қувватида ишлайдиган “Зима-лето” кондиционерлари ўрнатилади. Яшовчилар учун автотураргоҳ ва болалар майдончалари ташкил қилинади. Фойдаланишга топширилган турар жой мажмуасида ўртача 400 киши истиқомат қилади. Савдо-маиший шохобчалар фаолити 1 сменада 8 соатли иш куни билан 365 кун давомида олиб борилади. Ишчиларнинг умумий сони 50 кишини ташкил қилади. Қурилиш ишлари 8 соатли иш куни билан бир сменада бир йилда 365 кун давомида олиб борилади.

Қурилиш ишлари даврида атмосфера ҳавосига қурилиш техникаси, автотранспорт воситалари фаолияти, пайвандлаш, бўяш ва бошқа қурилиш ишлари натижасида ноорганик чанг ва дизель ёқилғиси ёнишидан ҳосил бўладиган ифлослантирувчи моддаларнинг ташланиши кузатилади. Бу ташланмалар вақтинчалик хусусиятга эга бўлиб, фақат қурилиш ишлари олиб борилаётган вақтларда кузатилади ва меъёрланмайди.

Буюртмачига қурилиш ишларини амалга ошириш даврида ҳудуднинг кириш ва чиқиш йўлакларида махсус юк ташувчи машиналар баллонларини ювиш ва чанг кўтарилишини олдини олиш мақсадида махсус блок постлар ўрнатилиши, шовқинларни олдини олиш мақсадида юқори қаватлардаги қурилиш ва таъмирлаш чиқиндиларини хавфсиз ва тез пастга тушириш учун махсус қурилиш шланглари ва бардошли ахлат қутилари ўрнатиш талаб этилади.

5 қаватли турар жой мажмуасидан фойдаланиш давомида 2 контурли сув иситиш қозонлари (1-100-манбалар, ташкиллаштирилган), ошхоналарда ўрнатилган “ПГ-4” газ плиталари ишлашидан (101-200-манбалар, ташкиллаштирилган) ва савдо-маиший бинода ўрнатилган иситиш қозонлари ишлашидан (201-203-манбалар, ташкиллаштирилган) табиий газ ёнилғиси ёнишидан ҳосил бўладиган ифлослантирувчи моддалар ташланиши кузатилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, Кўп қаватли турар жой мажмуасидан фойдаланиш вақтида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи турғун 203 дона ташкиллаштирилган манбалардан 3 турдаги ифлослантирувчи моддалар ажралиб чиқиши кузатилади ва уларнинг умумий миқдори йилига

12,41034 тоннани ташкил қилади. Ташламаларнинг асосий улушини углерод оксиди (77,74%) ва азот диоксида (21,88%) ташкил қилади.

Объект ҳудудида талаб этиладиган ҳўжалик-ичимлик ва ҳўжалик-маиший мақсадида ишлатиладиган сув туман совуқ сув тармоғидан олиб ишлатилиши режалаштирилган. Ишлаб чиқариш ва техник заруратлар учун сув сарфи кўзда тутилмаган. Объектда сарфланадиган сувнинг умумий йиллик миқдори 55037,6 м³ни ташкил қилади. Оқава сувларнинг миқдори 53935,1 м³/йилга тенг бўлиб, туман канализация тармоғига ташланади. Мажмуадан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш оқава сувлари ҳосил бўлмайди.

Маиший оқава сувларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш ва оқава сувларни тозалаш иншоотларига ўз вақтида олиб кетилишини таъминлаш мақсадида буюртмачи томонидан тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузилиши лозим бўлади.

Ҳудудда қурилиш ишлари олиб борилиши натижасида атроф-муҳитга қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши кузатилади.

Қурилиш чиқиндиларини тўплаш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва жойлаштириш, қурилиш полигонларига жойлаштириш учун топшириш ва қабул қилиш, такроран фойдаланиш, уларни утилизация қилиш ёки қайта ишлашга йўналтириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 январдаги №40-сон Низомига асосан ташкил қилиниши лозим бўлади.

5 қаватли турар жой бинолари ва савдо-маиший мажмуасидан фойдаланиш натижасида атроф-муҳитга умумий оғирлиги 280,05 т/йил бўлган 5 турдаги истеъмол чиқиндилари ҳосил бўлади. Жумладан;

- хавфлилик даражаси IV-синфга мансуб бўлган яроқсиз тозалаш матоси чиқиндилари – 0,021 т/йил (туман чиқиндихонасига олиб кетилади), яроқсиз ёритиш чироқлари чиқиндиси – 0,02025 тонна/йил (қайта ишлаш корхонасига топширилади), 5 қаватли турар жой бинолари ва савдо-маиший мажмуасидаги аҳоли ва ҳудудни тозалашдан ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндилар – 261,95 тонна/йил (туман чиқиндихонасига олиб кетилади),

-хавфлилик даражаси V-синфга мансуб бўлган қоғоз чиқиндиси – 0,065 т/йил (қайта ишлаш корхонасига топширилади), озик-овқат чиқиндилари – 18 т/йил (уй ҳайвонларига озуқа сифатида тарқатилади).

Лойиҳа маълумотларига кўра, коттежлардан фойдаланиш натижасида хавфлилик даражаси I, II ва III - синфга мансуб бўлган чиқиндилар ҳосил бўлмайди.

Мажмуасидан фойдаланишда ҳар бир чиқиндининг ҳосил бўлиш жараёнлари ёритилиб, уларнинг йиллик миқдори, уларни тўплаш ва вақтинча сақлаш шароитлари усуллари, қайта фойдаланиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш услублари бўйича тавсиялар берилган.

Лойиҳада атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган аварияли ҳолатлар, ёнғин хавфсизлиги ва уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Давлат экологик экспертизасига тақдим этилган “BAGUS STEEL” МЧЖ томонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси ва ўрта қаватли турар жой мажмуаси қурилишини ташкил қилишнинг атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёоти (АМТТБ) лойиҳаси таҳлили унинг атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш жараёнининг биринчи босқичи талабларига мос эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги “Давлат экологик экспертизаси маркази” ДМ Тошкент шаҳри филиали Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманида “BAGUS STEEL” МЧЖ томонидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси ва ўрта қаватли турар жой мажмуаси қурилишини ташкил қилишнинг атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёоти (АМТТБ) лойиҳасини **ушбу хулосада келтирилган талабларни бажариш шarti билан маъқуллайди.**



Ma'sul ekspert: RAXMATULLAYEV NIZOM NE'MATOVICH